



О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI

Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.

2021 йил «19» октябрь

88-7-0-Q/21

Самарқанд вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ж.Ураков, А.Шукуров, А.Умаров) шаҳар ва туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан биргаликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини қуйидагилардан бошласин:

вилоят аҳолисини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун барча ҳудудларда мақбул нархларда озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш;

“Темир дафтар”ларга киритилган оилаларга кўмир, суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб бериш ва болаларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлаш;

олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳамда сел келиши оқибатида йўллар талофат кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқ (овул)ларга кўмир ва суюлтирилган газ ҳамда камида 15-20 кунга етадиган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш.

3. Қуйидагилар:

вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларини ва кўп квартиралар турар-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар 1-иловага;

вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар уй-жой фондини 2021/2020 йиллар даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси таркиби (кейинги ўринларда-вилоят комиссияси) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят комиссияси (А.Шукуров):

зарур ҳолларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17 сентябрдаги “Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 576-сонли қарори билан тасдиқланган параметрларга шаҳар ва туман ҳокимликларининг асосланган таклифлари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралар уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясига таклифлар киритиб борсин;

2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати юзасидан ҳар ой якуни бўйича селектор йиғилиши ўтказиб, масъул бошқарма ва ташкилотлар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларининг ҳисobotлари эшитиб борилишини;

мазкур қарор билан белгиланган параметрларни бажаришга масъул бўлган тегишли ташкилотлар раҳбарлари белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажармаган ёки қониқарсиз бажарган тақдирда уларга нисбатан ўрнатилган тартибда интизомий жазо чоралари қўллаш масаласи бўйича тегишли чораларни кўрилишини таъминласин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Шукуров, А.Умаров) шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ҳафта муддатда ҳар бир туман ва шаҳарларда вилоят комиссияси

таркибига киритилган бошқарма ва ташкилотларнинг ҳудудий органлари раҳбарларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар ташкил этсин ва улар томонидан амалга ошириладиган ишлар маҳаллалар кесимида белгилаб берсин;

хар бир туман ва шаҳарлардаги маҳаллаларда халқ билан мулоқот тарзида ўтказиладиган учрашувларда мазкур қарор билан куз-қиш мавсумига тайёргарлик ва уни талофатсиз ўтказиш бўйича белгилаб берилган параметрларнинг бажарилиши юзасидан аҳолига ҳисобот бериб бориш тизимини йўлга қўйсин.

6. Вилоят комиссияси, туман ва шаҳар ҳокимлари ва ҳудудий ишчи гуруҳлар аъзоларига қишлоқ аҳоли пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича белгиланган параметрлар ва чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юзасидан шахсий масъулият юклансин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Г.Маматқулов), вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Д.Шакарбоев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

электр ва табиий газ қурилмаларини таъмирлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи ташкилотларга ёқилғи ресурсларини узлуксиз етказиб бериш;

аҳолига, ижтимоий соҳа объектларига, бошқа тоифадаги истеъмолчиларга зарур миқдорларда энергетика ресурсларини етказиб бериш бўйича мунтазам равишда “маҳаллабай” тизимда ўрганишлар олиб бориб, ажратилган ресурсларни етказиб бериш чораларини кўрсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Ҳудудларда ташқи санитария-гигиеник узеллари талаб даражасида бўлмаган кўп квартирали уйларнинг санитария-гигиеник ҳолатларини яхшилаш параметрларида белгиланган тадбирларнинг лойиҳа-қидирув ишлари харажатларини маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 2021 йил 1 ноябрга қадар молиялаштирсин.

9. Вилоят комиссияси (А.Шукуров):

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофатсиз ўтказиш бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссиясига кунлик маълумот тақдим этиб борсин;

куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талофатсиз ўтказиш юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашига ҳисобот бериб борилишини ҳамда вилоят телевидениесига ҳар ойда “очиқ мулоқот” ҳамда брифинглар ўтказиб борсин.

10. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимлари зиммасига иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уй-жой фондини 2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича параметрлар ва чоратadbирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш юклансин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

12. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2021 йил 19 октябрдаги
88-7-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

**Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектларини ва кўп квартирали турар-жой фондиди
2021/2022 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича**

КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
I. Ташкилий чора-тадбирлар			
1.	2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ҳудудларни “қизил”, “сарик” ва “яшил” ҳудудларга ажратиш. Бунда, аҳоли пунктларини “қизил” ҳудудга киритишда электр энергияси ва табиий газ таъминотидаги муаммолар мавжуд, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базаси ва молиявий ҳолати “оғир”, Халқ қабулхоналарига коммунал хизматлар юзасидан кўп муурожаатлар тушган, шунингдек, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларни назарда тутиш.	Бир ҳафта муддатда	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси” АЖ (Ғ.Маматқулов), шаҳар ва туман ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
2.	Шаҳарлар, туманлар ва аҳоли яшаш пунктларида: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, шу жумладан, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларининг иссиқлик таъминоти қозонхоналари, муҳандислик-коммуникация объектлари ва жиҳозларини таъмирлаш; истеъмолчиларга суюлтирилган газни (овқат пишириш учун) барқарор етказиб бериш, шунингдек, чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини ичимлик сувининг муқобил манбалари (шу жумладан, ташиб келтириладиган сув) билан таъминлаш бўйича масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини аниқ белгилаган ҳолда чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Уч кун	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), вилоят Халқ таълим бошқармаси (З.Шодиева), вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Жураев), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ (К.Юсупов), “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Г.Маматқулов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
3.	Иқтисодиёт тармоқларини 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ бўлган газ конденсати, суюлтирилган газ, кўмир, техник туз ва бошқа юкларни етказиб бериш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрга қадар ва мавсум давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Г.Маматқулов), “Кўмир таъминоти” МЧЖ вилоят филиали (С.Жуманов), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда
4.	Маиший газдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрга қадар ва мавсум давомида	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (У.Мейлиев), “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ (Г.Маматқулов), шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
5.	Ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансини ҳисобга олган ҳолда 2021 йил октябрь ойидан 2022 йил апрель ойига қадар бўлган давр мобайнида улгуржи истеъмолчилар ва аҳолига табиий газ етказиб бериш бўйича келишилган ойлик жадвални ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Д.Шакарбоев), “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев)
II. Ёқилғи-энергетика мажмуасини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
6.	Куз-қиш даврида қозонхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида соҳа ташкилотлари томонидан зарур суяқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини яратиш.	2021 йил 1 ноябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), “Иссиқлик манбаи” ДУК (Б.Хасанов), “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Кўмир таъминоти” МЧЖ вилоят филиали (С.Жуманов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
7.	Аҳоли, ижтимоий соҳа объектлари ва иқтисодиёт тармоқларининг кўмирга бўлган талабини тўлиқ қаноатлантириш, жумладан: аҳоли эҳтиёжлари учун 85 минг тонна; ижтимоий соҳа ташкилотларини 38,1 минг тонна кўмир маҳсулотлари билан таъминлаш. Бунда, импорт кўмир маҳсулотларини аҳоли талабидан келиб чиққан ҳолда етказиб бериш.	2021 йил 1 декабрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Кўмир таъминоти” МЧЖ вилоят филиали (С.Жуманов), вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Д.Шакарбоев)
8.	Истеъмолчиларга тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-қиш мавсумида 42 371,2 тонна, жумладан, жорий йил октябрь-декабрь ойларида 21 476,5 тонна суюлтирилган газни етказиб бериш.	2021 йил 1 ноябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), шаҳар ва туман ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
9.	Шакллантирилган рўйхатлар асосида куз-қиш даврида табиий газ таъминотининг танқислиги кутилаётган туманлар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларига тасдиқланган ойлик жадвалга асосан куз-қиш мавсумида жорий йил октябрь - 2022 йил март ойларида 42 371,2 тонна суюлтирилган газни кафолатланган тарзда етказиб бериш.	2021 йил 1 ноябрдан 2020 йил 1 апрелга қадар	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев)
10.	Олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда ҳамда сел келиши оқибатида йўллар талофат кўриши эҳтимоли мавжуд қишлоқларда куз-қиш мавсуми учун зарур миқдорда ёқилғи-энергетика ресурслари захирасини яратиш.	2021 йил 1 январь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Ҳудудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), “Кўмир таъминоти” МЧЖ вилоят филиали (С.Жуманов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
III. Куп квартирали уй-жой фондини тайёрлаш буйича чора-тадбирлар			
11.	Вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги кўп квартирали уй-жой фондини таъмирлаш ишлари бўйича ҳақиқий эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда жорий йилда молиявий аҳоли барқарор бўлган кўп квартирали уйларни бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлаш учун тегишли манбалардан талаб этиладиган маблағларнинг аниқ миқдорларини белгилаш.	Заруратга кўра	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Д.Шакарбоев)
12.	Кўп квартирали уй-жой фондини таъмирлаш учун қарздорлиги мавжуд бўлмаган бошқарувчи ташкилотлар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларига зарур миқдорларда кредитлар ажратиш ҳамда кредитлардан мақсадли фойдаланиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш тизимини йўлга қўйиш.	2020 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
13.	<p>Республика бюджети ва маҳаллий бюджет, банк кредитлари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан 137 та кўп квартиралар уйларда таъмирлаш ишларини сифатли амалга ошириш.</p> <p>Жумладан: 47 432 кв.м том қисмини таъмирлаш, 97 та кириш йўлакларини таъмирлаш, 92 та кодли қулфли темир эшиклар ўрнатиш, 35 дона ички муҳандислик тармоқларни таъмирлаш, 76 дона кўп квартиралар уйларни фасад қисмини таъмирлаш ишларини амалга ошириш.</p>	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
14.	Кўп квартиралар уйлар, бино ва иншоотларнинг ёнғинга қарши хавфсизлик техник меъёрларига мослиги ҳолатини текшириб, кўп хонадонли уйлардаги дудбуронлар ва шамоллатиш тизимларини таъмирлаш, изоляция қилиш ва тозалаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), “Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали (А.Мухаммадиев), вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (У.Мейлиев), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
15	Марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизимида уланмаган кўп квартиралар уйларни хатловдан ўтказиш ва мавсумда ушбу уйларни иситиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 1 ноябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
16.	Марказлаштирилган иссиқлик таъминотида уланган ва ички тизимлари носоз бўлган кўп квартиралар уйларнинг носоз ички тизимларини тиклаш мақсадида секторлар бўйича манзилли дастурни тасдиқлаш ва амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), шаҳар ва туман ҳокимликлари

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
17.	Истеъмолчиларни ишончли ва хавфсиз электр энергияси билан таъминлаш мақсадида кўп квартиралли уйларда электр энергиясидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси вилоят бўлими (О.Хошимов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
IV. Иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти объектларини тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			
18.	Иссиқлик таъминоти корхоналарининг: 4 та марказий ва 7 та маҳаллий қозонхоналар, 4 та марказий ва 4 та маҳаллий қозонлар ва 2,8 км иссиқлик тармоқларини мукамал таъмирлаш; 1 та марказий ва 1 та маҳаллий қозонхоналар, 3 та қозонлар ва 1,6 км иссиқлик тармоқларни жорий таъмирлаш ҳамда изоляция қилиш. Шунингдек, ёнғинга қарши жиҳозлар ва гидрантларни яроқлилик ва меъёрларга мувофиқлик юзасидан текширувдан ўтказиш ва уларнинг куз-қиш даврида ишлашга тайёрлиги тўғрисида далолатномалар расмийлаштириш. Бунда сертификатланган қозонларни қўллашга алоҳида эътибор бериш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (Б.Негматов), вилоят Фавқулодда вазиятлар бошқармаси (У.Мейлиев), Саноат хавфсизлиги давлат вилоят ҳудудий бошқармаси (З.Шарапов), “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси вилоят ҳудудий бўлими (О.Хошимов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
19.	“Ўзсувтаъминот” АЖ томонидан 84,5 км ичимлик сув тармоқлари ва 124 та насос ускуналарини мавсумга тайёрлаш. Жумладан: 52,8 км ичимлик сув тармоқлари ва 46 та насос ускуналарини мукамал таъмирлаш; 31,7 км ичимлик сув тармоқлари ва 78 та насос ускуналарини жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров) “Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ (К.Юсупов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
V. Ижтимоий соҳа объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар			

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
20.	320 та ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш. 200 та умумтаълим мактаблари, 88 та мактабгача таълим ташкилотлари, 2 та шифохона ва поликлиникани ҳамда 1 та “Мурувват” уйини, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли 6 та таълим муассасаларини ҳамда 21 та жисмоний тарбия ва спорт объектларини жорий таъмирлаш, муассасаларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан барча зарур чораларни кўриш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (А.Шукуров), вилоят Халқ таълим бошқармаси (З.Шодиева), вилоят Мактабгача таълим бошқармаси (З.Жураев), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), вилоят Спорт ва туризм бошқармаси (Ш.Рўзиёев), шаҳар ва туман ҳокимликлари
21.	Коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича ташкил қилинган махсус шифохоналар ва вақтинчалик карантинда сақлаш мажмуаларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов)
22.	Бюджет ташкилотларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун зарур бюджет маблағларини жорий йилнинг III чорагида ажратиш. Жумладан: ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларидан белгиланган маблағларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлаш; ижтимоий соҳа объектларига кўшимча талаб қилинадиган кўмир харажатларини аниқлаш ва қоплаб бериш чораларини кўриш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), шаҳар ва туман ҳокимликлари
VI. 2021/2022 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ғамлаш бўйича чора-тадбирлар			
23.	Молиявий аҳволи барқарор бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга банк кредитлари ўз вақтида ажратилиши ва уларнинг мақсадли ишлатилишини таъминлаш.	Доимий равишда	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков), Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (О.Тухтаев)

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Ижро муддати	Ижро учун масъуллар
24.	Муҳтож оилаларни куз-қиш мавсуми учун зарур озиқ-овқат ва дори воситалари захиралари билан таъминлаш.	2021 йил 25 октябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Умаров), вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (Д.Жуманиёзов), шаҳар ва туман ҳокимликлари
VII. Чора-тадбирлар бажарилишини назорат қилиш			
25.	Худудий комиссиялар томонидан 2021/2022 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати юзасидан таҳлилий маълумотларни республика штабига тақдим этиб бориш.	Ҳар ҳафта яқуни билан	Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Шукуров)
26.	Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати ва натижаларини, жумладан мавсумга тайёргарлик кўриш ва мавсум давомида камчиликларга йўл қўйган ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	Доимий равишда	Вилоят ҳокимининг ахборот хизмати-матбуот котиби (М.Мирзаев)

Самарқанд вилоят ҳокимининг
2021 йил 19 октябрдаги
88-7-0-Q/21-сон қарорига
2-илова

**Вилоят иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп
квартиралли уй-жой фондини 2021/2020 йиллар даврида барқарор
ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси**

ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.Ш.	-	Лавозими
1.	А.Шукуров	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, <i>комиссия раиси</i>
2.	Б.Негматов	-	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи, <i>комиссия раиси ўринбосари</i>
3.	У.Мейлиев	-	вилоят Фавқулудда вазиятлар бошқармаси бошлиғи
4.	Б.Мирзаев	-	вилоят Молия бош бошқармаси бошлиғи
5.	Л.Хамидов	-	вилоят Қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
6.	Д.Жуманиёзов	-	вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
7.	З.Шодиева	-	вилоят Халқ таълими бошқармаси бошлиғи
8.	З.Жураев	-	вилоят Мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи
9.	Х.Мухаммадиев	-	вилоят Маданият бошқармаси бошлиғи
10.	Д.Шакарбоев	-	Вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари
11.	З.Шарапов	-	Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси
12.	О.Тухтаев	-	Марказий банк вилоят бошқармаси бошлиғи
13.	А.Мухаммадиев	-	“Худудгаз Самарқанд” газ таъминоти филиали директори
14.	Ғ.Маматкулов	-	“Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ бош директори
15.	К.Юсупов	-	“Самарқанд сув таъминоти” МЧЖ директори
16.	О.Хошимов	-	“Ўздавэнергозорат” инспекцияси вилоят бўлими бошлиғи
17.	И.Махсумов	-	“Ўздавнефтегазинспекция” вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи
18.	Б.Хасанов	-	вилоят “Иссиқлик манбаи” ДУК директори
19.	С.Жуманов	-	“Кўмир таъминоти” МЧЖ вилоят филиали бошлиғи (келишув асосида)
20.	<i>Лавозимига кўра</i>	-	Шаҳар ва туман ҳокимлари
21.	Д.Бозоров	-	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари, <i>комиссия котиби</i>

